

Д.Исоқов. Наманган давлат университети таянч докторанти

МИНГБУЛОҚ ТУМАНИ ШҮРЛАНГАН МАЙДОНЛАРИНИНГ АТРОФ-
ТАБИЙ МУХИТГА МЕЛИОРАТИВ ВА МЕТЕОРОЛОГИК ТАЪСИРИНИ
БАҲОЛАШ

Аннотация

Мингбулоқ туманидаги шүрланган майдонларни атроф-мухитга таъсири, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, шүрланишга қарши чораларнинг салбий ҳолатлари ва шүрланган майдонларда этиширилган маҳсулотларнинг инсон организмига таъсирини баҳолашдан иборат.

**ОЦЕНКА МЕЛИОРАТИВНОГО И МЕТЕОРОЛОГИЧЕСКОГО
ВОЗДЕЙСТВИЯ ЗАСОЛЕННЫХ ТЕРРИТОРИЙ МИНГБУЛОКСКОГО
РАЙОНА НА ПРИРОДНУЮ СРЕДУ.**

Аннотация

Влияние засоленных территорий Мингбулакского района на окружающую среду, причины его возникновения, оно заключается в оценке негативных условий мер по борьбе с засолением и воздействия продуктов, выращенных в засоленных районах, на организм человека.

Assessment of meliorative and meteorological effects of saline areas of Mingbulok district on the natural environment.

Annotation

Environmental impact of saline areas in mingbulak district, causes of origin, it consists in assessing the negative states of anti-salinity measures and the effect of products grown in saline areas on the human body.

Бизга маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида шўр босган ерлар суғориладиган ерларнинг 50,7%ини (2170,7 минг гектар), шу жумладан кам шўрланган ерлар 31,4%, ўртacha шўрланган ерлар 15,5%, кучли шўрланган ерлар 3,8%ни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги ерларини шўрланишдан муҳофаза қилиш, атроф табиий муҳитни асраб-авайлаш ва келажак авлод учун табиийлигини сақлаш, қишлоқ хўжалигининг сугориладиган ерларида шўрланиш ва туз йиғилиб қолиши хавфи мавжуд бўлсада, тупроқ таркибида йиғилиб қолган заарли кимёвий моддалар таъсирида қишлоқ хўжалиги ерлари ўз ҳосилдорлигини йўқотишида давом этмоқда, зеро, шўрланишга қарши кураш чоралари етарлича эмаслигини кўрсатмокда. Қишлоқ хўжалиги ерларининг шўрланиши натижасида тупроқдаги айrim заарли элемантларни шу тупроқда униб ўсган маҳсулотлар таркибида ҳам қўришимиз мумкин бўлади.

Ҳаддан зиёд шўрланган ерлар ҳамиша шўрланмаган ерларга нисбатан кам ҳосил беради. Боз устига бундай ерлар давлат ҳамда ердан фойдаланувчилардан кўпроқ меҳнат ва маблағ сарф этилишини тақозо этади. Шу боис, ер унумдорлигини сақлаш ва доимий ошириб бориш, ундан оқилона ва самарали фойдаланиш давлатнинг ер соҳасидаги сиёсатининг ажralmas қисми, мамлакат иқтисодий тараққиёти дастурларининг муҳим бўлими сифатида баҳоланиши лозим.

Бугунги кунда турли даражада шўрланишга гирифтор бўлган Республика сугориладиган ер ресурслари 2170,7 минг гектардан зиёдроқ, улардан ювилгани 17,5 минг гектарни, кам шўрлангани 1344,6 минг гектар, ўртача даражада шўрлангани 663,5 минг гектар, кучли шўрлангани 162,6 минг гектарни ташкил этади. Шунга мувофиқ президентимиз ва қишлоқ хўжалиги вазири томонидан кўплаб қонун, қарор, ва фармонлар ишлаб чиқилмоқда¹. Бунга мувофиқ туман ирригация бўлимлари ходимлари ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг суғоришда ва шўр ювишда сувдан самарали фойдаланиши ҳамда сувни тежовчи технологияларни қўллаш бўйича (2019-2022 йилларга мўлжалланган чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилган) кўникма ва билимларини оширишдан иборат². Республикаизнинг

¹ Нурматов Мирғолиб Мирзаевич. Сафаров Жаҳонгир Исмоилович. Қишлоқ тараққиёти: бугуни ва келажак истиқболлари. Ўқув қўлланма. Тошкент - 2009

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 17.06.2019 йилдаги ПФ-5742-сон

суғоришига сарфлаётган сув миқдори аслида тўғри баҳоланади. Лекин, суғориши давомийлигида эса оқсоқликлар вужудга келмоқда. Мисол учун:

Наманган вилоятига кириб келадиган сув миқдори йилига $9,3 \text{ км}^3$ дан 24 км^3 гача ўзгарувчан бўлганлиги, 2000 йилдан кейинги даврда бу ўзгариш $14,7-20,5 \text{ км}^3$ орасида кечганлиги қайд этилган эди. Маълумки, сув миқдорининг маълум даврида ўта кам бўлиши Тоқтоғул сув омборининг тўлдирилиши сабабли юз берган. Кейинги йилларда бу ўзгариш чегараси кескин қисқариб, $14,7 \text{ км}^3$ дан пастга тушмаган. Бу сувдан вилоят суғорма дехқончилигида 2000-2018 йилларда фойдаланишининг умумий кўрсаткичлари 3.7-жадвалида берилган. Унда дарёлардан суғоришига олинган сув ҳажми (км^3), коллектор-зовурлар орқали дарёларга қайтарма оқим сув ҳажми ва улар орасидаги фарқ, яъни суғоришига сарф бўлган сув миқдори келтирилган. Улар асосида қуидагиларни қайд этиш мумкин:

1. Вилоятда суғориши учун олинган сув миқдори сув ресурсларининг 13-21 % орасида бўлиб, асосан 17 % дан ошмайди.

2. Олинган сувнинг 83-95 фоизи коллектор – дренаж тизими орқали дарёларга қайтади. Баъзан 100 фоиз қайтиши ҳам мумкин. Фақат 2000 йилда 68 фоизи, 2001 йилда 71 фоизи, 2017-2018 йилларда олинган сувнинг 78 фоизи қайтган. Бу жуда катта миқдор. Масалан Қашқадарё ҳавзасида суғоришига олинган сувнинг 27,7 фоизи, Сурхон-Шеробод ҳавзасидан 22,1 фоизигина дренаж орқали қайтарма оқимларни ташкил этади. Олинган сув миқдори билан қайтарма оқим орасидаги фарқ, яъни суғоришига ишлатилган қисми, асосан, $121-642 \text{ млн } \text{м}^3$ орасида бўлиб, фақат 2000 йилда $1 \text{ млрд } \text{м}^3$, 2001 йилда $876 \text{ млн } \text{м}^3$, 2017 ва 2018 йилларда $700 \text{ млн } \text{м}^3$ дан кўп бўлган.

3. Суғоришига ишлатилган сув гектарига ҳисоблагандан, 2000, 2001, 2002, 2006, 2017 ва 2018 йиллардан ташқари бошқа йилларда, $615-2000 \text{ м}^3 / \text{га}$ орасида бўлган. 2000, 2001, 2002, 2006, 2017 ва 2018 йилларда мос равища 4400, 3728, 2732, 2383, 3179 ва $2991 \text{ м}^3 / \text{га}$ ни ташкил этган. Бу 1 гектар суғориладиган майдонга тўғри келадиган сув сарфи миқдори $10690 \text{ м}^3 / \text{га}$ дан кескин камлиги савол туғдириши мумкин. Суғоришига ишлатилган сув

қаторига 1 апрель ҳолатига тупроқларда йиғилган нам ва апрель-сентябрь ойларида ёқкан ёғин миқдорини қўшиш лозим. Улар Наманган метеорологик станцияси маълумотлари асосида 3.7-жадвалида келтирилган бўлиб, йилига 1865-3099 м³ /га га тенг. Наманган вилояти бўйича жами суғоришга сарфланган сув миқдори жадвалнинг охирдан жой олган.

1-жадвал

Наманган вилояти суғориладиган ерларида сувдан фойдаланиш (2000-2018 йиллар)

Йил	Вилоятнинг йиллик сув ресурси, км ³	Суғоришга олинган сув, км ³	Коллектор-зовур тармоклари орқали қайтган сув, км ³	Суғоришга сарфланган сув, км ³	Бирлик майдонга сув сарфи, м ³ /га	Тупроқдаги намлик, мм, 1 апрель ҳолатига	Ёғин миқдори (апрель-сентябрь), мм	Тупроқдаги намлик + ёғин миқдори		Суғоришга сарфланган жами сув, м ³ /га
								мм	м ³ /га	
2000	16,7	3,22	2,18	1,04	4400	177	29,7	206,7	2067	6467
2001	15,8	2,99	2,11	0,88	3728	178	8,5	186,5	1865	5593
2002	17,3	2,65	2,00	0,65	2732	176	101,5	277,5	2775	5507
2003	18,8	2,69	2,25	0,44	1877	186	49,8	235,8	2358	4235
2004	20,1	2,93	2,47	0,46	1970	192	43	235,0	2350	4320
2005	20,4	2,74	2,31	0,43	1830	181	63,6	244,6	2446	4276
2006	18,5	2,99	2,43	0,56	2383	196	43,2	239,2	2392	4775
2007	18,6	2,91	2,45	0,36	1532	197	68,3	265,3	2653	4185
2008	14,7	2,58	2,13	0,45	1915	176	29,4	205,4	2054	3969
2009	16,6	2,59	2,47	0,12	515	210	48,3	258,3	2583	3098
2010	20,5	2,73	2,51	0,21	898	173	136,9	309,9	3099	3997
2011	18,2	2,57	2,34	0,23	970	200	42,4	242,4	2424	3394
2012	18,4	2,95	2,54	0,41	1766	193	46,6	239,6	2396	4162
2013	16,8	2,77	2,50	0,27	1153	193	71,2	264,2	2642	3795
2014	17,4	2,73	2,60	0,13	583	199	39,2	238,2	2382	2965
2015	15,3	2,57	2,68	-0,11	-	180	72,1	252,1	2521	2521
2016	15,4	2,88	2,63	0,25	1077	163	126,4	289,4	2894	3971
2017	16,1	3,40	2,65	0,75	3179	208	86,6	294,6	2946	6125
2018	16,5	3,23	2,52	0,71	2991	206	58,6	264,6	2646	5637

Умурзақова Умида Носиржановна. Диссертация. Наманган-2021.

Улар 2521- 6467 м³ /га ни ташкил этади. Бу рақамлар ҳам юқорида келтирилган, одатдаги сув таъминотини режалаштиришнинг асосий кўрсаткичи бўлган қийматлардан 2-3 баробар кам. Бу ҳолатни туманлар бўйича таҳлил қилишни дарёлардан энг кўп сув (3,4 км³) олинган 2017 йил мисолида амалга оширишни лозим топдик. Наманган вилоятида 2017 йил ҳолатига 282,1 минг гектар суғориладиган майдон бўлиб, шундан: 17514,0 гектар майдон оз шўрланган, 6390,4 гектар майдон ўртacha шўрланган, 745,0 гектар майдон кучли шўрланган ерларга тўғри келади. Вилоят бўйича олиб кўрилганда, **Мингбулоқ** (жами суғориладиган майдон 37864,0 га, шундан шўрланган майдон 15368,7га), Поп (жами суғориладиган майдон 39618 га, шундан шўрланган майдон 7810,0 га), Чуст (жами суғориладиган майдон 33319,0 га, шундан шўрланган майдон 672,1 га) туманларида суғориладиган

ерларда шўрлашиш бошқа туманларга қараганда кўпроқ майдонни ташкил этади.³

Вилоятда баҳор фаслида жами шўрланган экин майдонлари 10426,0 гектарни ташкил этса, куз фаслида эса бу 24780,6 гектар майдонни ташкил этиши сугориш таъсирининг қанчалик катта эканлигини кўрсатади. Наманган вилоятида мавжуд сугориладиган майдонларнинг 136309 гектари закан-зовурлар билан таъминланган. Жами заканларнинг узунлиги 5073,2 км дан иборат. Зах қочириш тармоқларининг 1813,8 км қисми хўжаликлараро заканлар, 3229,8 км қисми хўжалик ички-очиқ ва 29,6 км қисми ёпиқ-ётиқ зовурлардан иборат. Сугориладиган майдоннинг 143294 гектари адириклардан ва адирилик ён бағри ерлардан иборат бўлганлиги сабабли закан-зовур тармоқларини қуришга эҳтиёж йўқ; бу ерлар табиий зовурга эга, яъни қайтган сувлар сойлар ва жарликлар орқали чиқиб кетади деб ҳисобланади. Аммо қуйидаги жадвал маълумотлари буни тасдиқламай, у сувларнинг бу туманлардан қуйироқда жойлашган туманлар ҳудудидаги ерости сувлари ҳажмини кескин кўпайтиришини кўрсатади.

Мингбулоқ туманида коллектор-зовур тармоқлари оқим микдори туман чегарасига олинган сув микдорига қараганда 1,5-3 марта кўпdir. Мингбулоқ туманида ирригация тармоқларидан сугориш учун худуд чегарасига олинган сув 491,05 млн м³ бўлгани ҳолда, коллектор-зовур тармоқларидаги қайтарма оқим микдори 690,29 млн м³ ни ташкил этган.

Поп ва Мингбулоқ туманлари ҳудудида (2019 й маълумотлари асосида) шўрланган тупроқлар мавжуд бўлиб, жумладан кучли ва ўртacha даражадаги шўрланган 27 минг гектар майдонда ҳар йили шўр ювиш ишлари олиб борилади.

Тупроқ унумдорлигини пасайтирадиган асосий омиллардан бири сув ва шамол эррозиясидир. Вилоятнинг 27 фоиз майдони эррозияга моил бўлиб, бу асосан Косонсой, Чорток, Чуст, Янгиқўргон ва Уйчи туманларига тегишли майдонлардир.

³ Умурзакова Умида Носиржановна. Диссертация. Наманган-2021.

Тупроқ ва иқлим шароитига кўра вилоят территорииясини икки минтақага ажратиш мумкин.

1. Шимолий тоғ олди- ярим чўл субтропик минтақа. Бунга мингбулоқ туманидан ташқари барча туманлар киради.

2. Жанубий субтропик чўл минтақа. Бунга Мингбулоқ тумани киради.

Шимолий тоғ олди ярим чўл субтропик минтақа денгиз сатхидан 600-1200 метр баландликда жойлашган бўлиб, хавонинг ўртacha йиллик харорати 13,4-15,5 градусга тенг. Фойдали харорат йиғиндиси 2250-2700 градусга, ўсиш даврида 2404-2442 градусга, ўсув даври 195-225 кунга тенг, ўртacha йиллик ёғингарчилик миқдори ҳамма жойда бир хил эмас. Намангандаги 182 мм бўлса, Попда 168 мм, Учқўрғонда 250 мм, Косонсойда 315 мм ва Чустда 190 миллиметрга тенг. Ёғингарчилик барча туманларда асосан қишига баҳор ойларига тўғри келади.

Ҳавонинг нисбий намлиги ўсув даврида 53-48 фоиз атрофида бўлади. Вилоятда асосан оч ва ўтлоқи бўз ҳамда ўтлоқи-ботқоқ, типик бўз тупроқлар тарқалган. Учқўрғон туманида оғир механик таркибга эга бўлган оч тусли бўз тупроқлар кўп учрайди. Вилоятнинг жами суғориладиган майдонининг 22 фоизи турли даражада тошлок ерларни ташкил этади. Уйчи ва Намангандаги туманларида унумдор қатламга эга бўлган ўтлоқи бўз ва оч тусли бўз тупроқлар, шунингдек кам унумли, шағалли қатламга яқин бўлган оч тусли бўз тупроқлар учрайди. Суғориладиган бундай оч тусли бўз тупроқларда сувда яхши эрийдиган тузлар 0,5-0,6 метрли қатламда сезиларли эмас. 1,5-2,2 метрли қатламга тушган сари туз миқдори ошиб сезиларли даражага этади.

Суғориладиган типик бўз тупроқлар Янгиқўрғон, Чорток, Косонсой ва Чуст туманларида тарқалган. Бу тупроқлар асосан шўрланмаган, чиринди миқдори хайдов қатламида 1,3-1,6 фоизни, азот 0,09-0,15, фосфор 0,19-0,22 ва калий 2,1-2,4 фоизни ташкил этади.

Типик бўз тупроқларда 0,5 метрдан пастки қатламда шағал кўп учрайди, шунинг учун бундай ерларда экин ўсув даврида сувни кўп талаб

қиласи. Бундан ташқари бу ерларни сугоришда асосан сув насосларидан фойдаланилади.

Вилоятнинг Уйчи, Наманган, Норин, Мингбулоқ, Поп ва Учқўрғон туманларининг дарё қирғоғига яқин худудида асосан ўтлоқи тупроқлар учрайди. Ўтлоқи тупроқлар Янгиқўрғон туманида ҳам тарқалган бўлиб ўртача, оғир механик таркибга эга, уларда чиринди миқдори юқори (1,8-2,5 %). Чўл субтропик минтақа денгиз сатхидан 200-300 метр баландликда жойлашган бўлиб, ҳавонинг ўртача ҳарорати 14,5-16,0 градусни ташкил этади. Фойдали ҳарорат миқдори бу минтақада 2700-3250 градусга тенг.

Ўсув даврининг давомийлиги 230-240 кунга тенг, ёғингарчилик миқдори 140-161 мм дан ошмайди. Бу минтақада асосан ўтлоқи, бўз ва сур тусли қўнғир тупроқлар учрайди. Сугориладиган ўтлоқи тупроқлар асосан Сирдарёнинг чап қирғоғига жойлашган бўлиб, ҳар хил даражада шўрланган. Мингбулоқ ва Поп тумани тупроғининг сув ўтказувчанлиги ҳам ер ости сувининг чиқиб кетиши ҳам ёмон. Ер ости сувларининг кўп парланиши натижасида тузларнинг тупроқда ва сизот сувларида тўпланиши кузатилади. Тупроқ унумдорлигига бу туманларда иссиқ иқлимининг ҳам таъсири бор. Ер ости сувларининг сатҳи 1-2 метр чуқурликда (баъзан 2-3 метр) бўлиб, тупроғи доимий шўр ювишни талаб этади⁴. 2020-йилда Мингбулоқ туманида ерларни шўр ювишга тайёрлаш бўйича кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими Шавкатжон Абдураззақов иштирокида тадбир Гулистон ММТП ҳудудидаги “Дур марварид диёри” фермер хўжалиги даласида сув хўжалиги мутахассислари ва фермерлар билан очиқ мулоқот тарзида ўтди.

Шўр ювиш тадбирларини ҳар йили сифатли ўтказилиши натижасида туманда ҳосилдорлик йилдан йилга ошиб бормоқда. 2017 йилда бир гектарида ўртача ҳосилдорлик 22,7 центнерни ташкил этган бўлса, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 30 центнерни ташкил этди.

⁴ Наманган вилояти мелиорация бошқармаси. 2020.

Кейинги йилда кафолатланган ҳосилни яратиш мақсадида 298 та фермер хўжалигининг жами 15214 гектар майдонида шўр ювиш тадбирлари амалга оширилиши кўзда тутилган деб ёzádi вилоят мелиорация бошқармаси матбуот бўлими.

Мингбулоқ тумани шўр ювиш тадбирлари


1-расм.



<https://agronet.uz/shor-yuvish.uz>

Шундай бўлсада, биз вилоят мелиорация бошқармасидан шўрланган майдонлар бўйича статистик маълумотларини олдик ва таҳлил қилдик. Таҳли натижаларига кўра, 1998 йилдан 2002 йилларгача бўлган оралиқдаги кўрсаткичда шўрланиш даражаси ортиб борган. 2004 ва 2006 йилларнинг ўзида эса шўрланишнинг даражаси паст бўлган. Ўртacha шўрланган майдонларнинг тренди ортиб борса, кучсиз шўрланган майдонларнинг тренди эса камайиб бораётганлигини кўришмиз мумкин. Наманган вилоят мелиорация бошқармасининг етакчи мутахассислари билан олиб борилган баҳс ва мунозаралардан сўнг шундай ҳулосага келиндики, 1998-2002 йиллардаги ортиб борган тупроқдаги тузларнинг миқдори, қишлоқ хўжалиги мақсадларида сугоришга закан сувларининг кўп миқдорда олинганлиги билан ифодаланди.

1-диаграмма



Мингбулоқ ва Поп туманлари ўртача вегетация давридаги 2017-2018 й сугориладиган ер майдонлари сизот сувларининг сатхи, чуқурлиги ва шурланиш даражаси буйича

2-жадвал.

Туманлар	Йиллар	Курсаткичлар	жами (га)	Кузатишган майдон (га)	Сизот сувлари сатхининг чуқурлиги буйича майдонларга бўлинishi (га)						Сизот сувларининг шурланиш даражаси буйича майдонларга бўлинishi (га)					
					0-1 метр-гача	1-1,5 метр-гача	1,5-2 метр-гача	2-3 метр-гача	3-5 метр-гача	>5 метр-гача	0-1 г/л гача	1-3 г/л гача	3-5 г/л гача	5-10 г/л гача	>10 г/л гача	
Мингбулод	2017	Сугориладиган майдонлар	37742	37742		13419	14680	9532	111		32452	5290				
		Шундан зовурсиз майдонлар														
Поп	2018	Сугориладиган майдонлар	37737	37737		12491	14775	10471			32731	5006				
		Шундан зовурсиз майдонлар														
	2016	Сугориладиган майдонлар	39580	39580	7	1394	14595	3695	386	19503	28299	9734	1180	367		
		Шундан зовурсиз майдонлар	23896	23896			4134	1170	346	18246	21726	2170				
	2017	Сугориладиган майдонлар	39542	39542	4	1317	15686	2844	439	19252	28305	9692	1185	360		
		Шундан зовурсиз майдонлар	23858	23858			4065	1379	394	18020	20627	3231				

Наманган вилояти мелиорация бошқармаси маълумотлари

Наманган вилоятининг Мингбулоқ тумани асосан ер ости сувларининг яқин жойлашганлиги билан характерланади. Бунга мисол қилиб қўйидаги жадвални олишимиз мумкин.

Мингбулоқ тумани ер ости сув таркиби ва хусасиятлари

3-жадвал.

Филиалар йўнагитган чуқурлик	Ой ва йиллар		Зиң кодидик	Катионлар				Анионлар				Каттиклик, мг. экв/л			рН	CO ₂ эркин.		
	Йил	Ой		Na ⁺ , K ⁺	Ca ⁺⁺	Mg ⁺⁺	NH ₄ ⁺	HCO ₃ ⁻	CO ₃ ²⁻	SO ₄ ²⁻	Cl ⁻	NO ₂ ⁻	NO ₃ ⁻	Узумий	Карбонати	Карбонатизи		
				мг/л	мг/л	мг/л	мг. экв/л	мг/л	мг/л	мг/л	мг/л	мг/л	мг/л	мг/л	мг/л	мг/л		
5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23
4-5	2004	IV	919	114	64	73		329		253	250			9,20	5,40	3,80	8,00	7
		IX	654	164	30	34		149		119	227		6	4,30	2,45	1,85	7,80	4
4-5	2005	IV	968	198		49		305		272	213		2	8,10	5,00	3,10	8,00	4
		X	878	191	46	41		207		198	225		8	5,70	3,40	2,30	8,00	4
4-5	2006	IV	848	168	60	35	0,11	169		239	184		2	5,30	3,10	2,80	8,00	4
		IX	900	193	58	34		159		189	263		8	5,70	2,60	3,10	8,00	4
4-5	2007	III	860	168	50	45		198		267	165		2	6,20	3,25	2,95	8,00	4
4-5	2008	XI	760	182	46	27		189		226	163		2	4,50	3,10	1,40	8,00	4
4-5	2009	IX	460	7	52	58		232		148	28		2	7,40	3,80	3,60	8,00	4
4-5	2010	XII	634	138	40	28		140		185	146		4	4,30	2,30	2,00	8,00	2
4-5	2011	XI	1402	290	100	51		293		428	291			9,30	4,80	4,50	8,00	7
4-5	2014	XII	566	140	34	21		153	18	95	156	0,05		3,40	2,50	0,90	8,20	
4-5	2015	IV	442	86	34	24	<0,1	61		188	55	0,01	<1	3,70	1,00	2,70	4,40	2
		XI	434	89	40	17	0,08	159		70	114	<0,01	<1	3,40	2,60	0,80	7,90	4
4-5	2016	VI	456	111	40	15		281		53	82	<0,01	2	3,20	4,60	1,40	8,10	7
		XI	802	92	90	54		55		379	146	0,01	2	8,90	0,90	8,00	7,50	2
4-5	2017	VIII	380	90	22	18	н	171	н	58	89	<0,01	<1	2,60	2,80	2,60	7,20	4
		XII	680	94	26	83	н	305	н	198	107	0,05	4	8,10	5,00	3,10	7,80	4

Наманган вилоят гидрогеология бошқармаси маълумотлари

Юқоридаги маълумотларнинг таҳлили асосида шундай ҳулосага келиш мумкинки, катионлар ва анионлар мажмуйи яъни тузлар йиллар давомида турлича рақамларда акс этган.

Поп ва Улуғнор метеорологик маълумотлари

4-жадвал

Ноябр	Ёғингарчилик миқдори			Нисбий намлиқ		
	Поп	Улуғнор	Фарқи	Поп	Улуғнор	Фарқи
2010	15,3	46,0	-30,7	79,0	89,0	-10,0
2011	80,1	31,4	48,7	87,0	90,0	-3,0
2012	9,5	4,0	5,5	72,0	82,0	-10,0
2013			0,0	63,0	77,0	-14,0
2014	15,3	16,6	-1,3	79,0	85,0	-6,0
2015	30,1	17,3	12,8	79,0	84,0	-5,0
2016	8,8	5,6	3,2	71,0	81,0	-10,0
2017	1,4	0,0	1,4	63,0	78,0	-15,0
2018	6,1	14,1	-8,0	74,0	84,0	-10,0
2019	16,8	10,9	5,9	75,0	84,0	-9,0

Андижон, Наманган метеостанцияси маълумотлари

2004-2017 йиллар оралиғида 4-5 м чуқурликда ер ости сувларининг кўтарилиши асосан 2011 йилда яққол кўзга ташланади. Шу йилда Наманган вилояти Поп метеорологик станция маълумотлари ноябр (ойлик 80,1 мм) га

назар солсак, қолган йилларга нисбатан энг кўп ёғин бўлган йилга тўғри келмоқда. 2010 йилда эса Улуғнор метеостанцияси ноябр ойида ўртacha ёғин микдорини 46 мм ни ташкил этмоқда. Демак, ер ости сизот сувларининг минераллашуви, сатхининг ортишига атмосфера ёғинларининг ҳам таъсири катта эканлиги билан характерланади. Бу юқоридаги жадвалнинг қуий қисмидаги рНни кўрсак ҳам масаланинг ечимларига асос бўлади. Чунки, оддийгина инсон терисининг ишқорийлиги (рН) 5.5 га teng. Туманинг 4-5 метр яъни сизот сувлари ишқорийлиги эса 8.20 гача етиб борган. рН бу водород кўрсаткичи бўлиб, $pH > 7$ бўлса ишқорий муҳит, $pH = 7$ бўлса нейтрал муҳит, $pH < 7$ бўлса кислотали муҳит ҳисобланади. $pH = 7$ бу дегани $[H^+] = 10^{-7}$ г-экв/л. 1 литр сувда 10 миллиондан 1 грамм водород бор деганидир. Бу сувларни истеъмол қилиш ишсон организми ва табиий атроф-муҳит учун ҳам ҳавф туғдириши табиий ҳолдир. Ишқорийликнинг бу қўриниши ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини табиийлигига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари дарё сувининг кўтарилиши худуднинг шўрланиши, закан ва дренажлар сув сатхининг кўпайиши билан узвий боғланади.

Сизот сувларининг кимёвий таркибини ўзгариши ва минераллашуvigа дарё сувларининг ҳам таъсири бекиёс. З-жадвалда кўриниб турибдики, 2017-йилгача бўлган даврларда тузларнинг микдори ортиб бормоқда. Албатта бу тузлар асосан иккиламчи шўрланиш ва мелиоратив тадбирларни камайиб бораётганлигидан далолат беради.

Буларнинг асл моҳияти атмосфера ёғинларининг кўплиги ва кам ёғиши билан характерланади. Ёғинларнинг дарё ҳолатига келиши ва кўпайиши, ер ости сувларининг кўтарилиши бу “Мингбулоқ туманида” шўрланиш демакдир. 1-диаграммадан ҳам кўришимиз мумкинки, 1998-2002 йиллар оралиғида дарё сувининг сатхи пастлаб, ёғинларнинг микдори сезиларли камайган. Ер ости сувларининг сатхи эса 0.5-0.7 м гача тушган, шимолий-шарқдан гарбга томон ер ости сувларининг харакатланиши сусайб борган.

Бундан ташқари, метеорологик томонларини ҳам тахлил қиласынан бўйлсак, Наманган вилояти мелиорация ва Улуғнор гидрометеорология бошқармалари ҳам қуидаги маълумотларни тасдиқлаши мумкин. Улуғнор метеостанцияси ёғин микдоридаги трендлар январ-феврал, март, май, декабр ойларида тренд манфий. Апрел, июн-ноябр ойларида тренд мусбат эканлиги аниқланди. Йиллик ёғин микдоридаги тренд эса манфий эканлиги аниқланди. Хавонинг ўртача хароратлари январ-феврал, май, июл ойларида мусбат. Март-апрел, июн ва сентябр-декабр ойларида тренд манфий; август ойида эса ўзгаришсиз эканлиги аниқланди. Хавонинг ойлик максимал хароратлари тренди январ-март, июл-август, декабр ойларида тренд мусбат.

2-диаграмма



Апрел, июн, сентябр-ноябр ойларида тренд манфий. Май ойида эса ўзгаришсиз. Тупроқ юзасининг ойлик максимал хароратлари тренди январ, май-август ва декабр ойлари мусбат. Тупроқ юзасининг максимал ойлик хароратлари тренди январ, май-август ва декабр ойларида мусбат; феврал-апрел ва сентябр-ноябр ойларида эса манфий бўлганлиги аниқланди.

Тупроқ юзасининг ойлик минимал хароратлари тренди январ-апрел ва июл-октябр мусбат; май-июн ва ноябр-декабр ойларида эса манфий. Ёғин

микдори трендлари асосан вегетация даврида мусбат бўлганлигини кўришимиз мумкин. Ҳавонинг ойлик ўртача хароратлари, ҳавонинг ойлик максимал хароратлари ва тупроқ юзасининг ойлик максимал хароратлари тренди сентябр-ноябр ойларида манфий бўлган.

5-жадвал

**Улуғнор метеостанциясидаги кузатувларнинг ойлик микдорлари
тренди (2005-2019)**

Метеорологик кузатувлар	Ойлар											
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
Ёғин микдори												
Ҳавонинг ўртача хароратлари	0,44	0,22	0,11	0,21	-0,59							
Хавонинг максимал хароратлари	0,15	-0,15	0,03	0,04	-0,55							
Тупроқ юзасининг ойлик максимал хароратлари	0,13	-0,04	0,15	-0,05	-0,44							
Тупроқ юзасининг ойлик минимал хароратлари	0,12	-0,35	-0,09	-0,05	0,30							
	-0,08	0,30	0,00	0,02	-0,10							
	-0,10	0,02	-0,17	-0,11	0,04							
	0,15	0,14	0,07	0,08	0,03							
	0,09	0,13	0,05	0,00	0,04							
	0,15	-0,13	-0,05	-0,02	0,08							
	0,03	-0,34	-0,31	-0,12	1,30							
	-0,11	-0,40	-0,24	-0,15	0,73							
	-0,12	0,02	0,10	-0,15	-0,55							

Кўп йиллик ёғин микдорлари Улуғнорда 171.6 мм, Попда эса 184.8 ммга teng. Энг кўп ойлик ёғин микдори 24.8 мм март ойига, Попда эса 29.4 феврал ойларига тўғри келди. Энг кам ёғин микдори Улуғнорда (1.8 мм) сентябр, Попда эса август ойида (3.1 мм) га тўғри келмоқда.

Вегетация даврида йиллик ёғин микдори Улуғнорда 42.6 %, Попда 44.1 % ни ташкил этади.

б-жадвал

Улугнор ва Поп метеостанцияларида 2005-2019 йилларда кузатилган ойлик ва йиллик ўртача ёғин микдорлари

Метеостанциялар	Ойлар												Йиллик
	I	II	III	IV	V	V I	VI I	VII I	I X	X	X I	XI I	
Улугнор	15,20	22,70	24,80	19,20	17,70	11,90	4,40	3,10	1,80	15,00	16,90	18,90	171,60
Поп	13,60	29,40	25,50	18,40	19,70	14,50	7,30	4,00	14,50	14,00	20,70	184,80	0

Улугнор ва Поп метеостанцияларининг ойлик ўртача ҳаво хароратлари микдорлари

Хисоб-китоблар натижаларига кўра, Улугнор метеостанциясидаги ойлик ўртача ҳаво хароратларининг микдорлари қуидагича бўлиб, январ ойида -0.40° манфий натижани кўрсатмоқда. Қолган ойларда эса мусбат натижани кўрсатиб турибди. Асосан апрел-сентябр ойларидағи микдорлар даражаси мусбат бўлиб, бу ойларда қуёш радиацияси ва буғланишнинг максималлиги билан характерланади. Июн-август ойлари эса қуёшли кунларни қамраб олиб, тўғри бурчак остидаги нурларига эгадир.

7-жадвал

Улуг ва Поп метеостанцияларида ҳаво ва тупроқ хароратининг ойлик микдорлари												
Метеостанциялар	Ойлар											
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
Ойлик ўртача ҳаво хароратлари												
Улугнор	-0,40	2,50	10,40	16,80	21,80	26,10	27,60	25,80	20,90	13,60	6,00	1,70
Поп	0,60	3,60	10,90	17,50	22,70	27,20	28,80	27,10	22,10	15,00	7,30	1,90
Ойлик максимал ҳаво хароратлари												
Улугнор	9,90	15,40	25,20	32,00	35,30	35,20	40,00	38,20	34,50	29,90	20,70	11,70
Поп	10,70	15,50	25,00	32,30	36,30	39,60	40,50	38,90	35,40	29,50	20,50	12,40
Тупроқ юзасининг ойлик минимал ўртача ҳаво хароратлари												
Улугнор	-9,70	-9,00	-4,70	0,50	6,70	10,70	12,90	10,80	5,20	-1,80	-6,50	-9,00
Поп	-8,70	-7,40	-2,40	2,80	9,20	13,40	15,60	13,90	8,40	0,90	-5,80	-8,00
Тупроқ юзасининг ойлик максимал ўртача ҳаво хароратлари												
Улугнор	15,60	23,90	43,20	57,10	64,40	70,30	70,50	68,50	59,50	47,50	29,40	16,60
Поп	17,90	26,50	40,80	54,50	64,90	65,10	70,60	68,20	60,60	48,50	30,70	19,90

Улугнор ва Поп метеостанцияларида ойлик максимал ҳаво хароратлари микдорлари.

Поп метеостанциясидаги ҳаво хароратининг ойлик миқдорини кўрадиган бўлсак, бу майдонларда манфий натижалар йўқ. Лекин, январ ойидаги ойлик миқдор 0.60^0 бўлиб, деярли манфий ҳолатни кўришимиз мумкин.

Улуғнор метеостанцияси маълумотлари асосида олиб борилган тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, апрел-октябр ойларида ойлик максимал ҳаво хароратлари миқдорлари юқорилиги билан ажралиб турибди. Бунда эса табиийки буғланиш ва ер ости тузларининг вертикал динамикасини кузатишимиш мумкин. Поп метеостанциясида ҳам худди шу ҳолатлар такрорланган бўлиб, бир оз Улуғнор метеостанцияси натижаларига нисбатан юқорироқ натижаларни бермоқда. Июн ойида эса ўртacha 5^0 га фарқ қилмоқда. Бунинг сабабларидан бири сизот сувлари шу ойларда буғланиш коеффициенти юқори бўлганлиги билан баҳоланади.

Тупроқ юзасининг ўртacha ойлик минимал ҳаво хароратлари
миқдорлари.

Улуғнор метеостанцияси маълумотлари асосида қайта ишланган тупроқ юзасининг ўртacha ойлик минимал ҳаво хароратлари миқдорлари қўйидаги бўлиб, январ-март, октябр-декабр ойларида манфий, апрел-сентябр ойларида эса мусбат эканлиги билишимиз мумкин. Поп метеостанциясида эса январ-март, ноябр-декабр ойларида манфий, апрел-октябр ойларида мусбат натижаларни билишимиз мумкин. Юқоридаги натижалар асосида шундай ҳулосага келишимиз мумкинки, Поп туманида тупроқ юзасидаги ўртacha ойлик минимал харорат Улуғнор туманига нисбатан бир оз юқори эканлигини билсак бўлади. Натижалардан яна шундай ҳулоса келадики, Улуғнор таманига Поп туманига нисбатан қишилганлиги ҳам билиш мумкин.

Тупроқ юзасининг ўртacha ойлик максимал ҳаво хароратлари.

Тупроқ юзасининг ўртacha ойлик максимал ҳаво хароратлари қўйидагича бўлиб, Улуғнор метеостанциясида июн ойида 70.30^0 Поп

метеостанциясида 65.10^0 ташкил қилмоқда. Қиши ойларида эса тупроқ юзасидаги ўртача ойлик максимал харорат бунинг акси бўлиб, Поп метеостанциясида юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Наманган вилоятининг жанубий майдонларини эгаллаган Мингбулоқ тумани вилоятнинг суғориши учун ишлатиладиган сувини нисбатан қўп қисмини олади. Олинган сувга нисбатан қайтган сувнинг миқдори 1.5-3 баробарни ташкил этмоқда.

Демак;

- ❖ қишлоқ хўжалигини суғоришда сувтежовчи (томчилатиб суғоришини пушта остидан ёки мулчалаш) технологияларни замонавийларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.
- ❖ Атроф-табиий мухитни асраб-авайлаш ва ундан самарали фойдаланиш борасида сув истемолчилари учун меъёрий ичимлик сувини ажратиш лозим. Чунки, бу табиий неъматдан ҳозирги кунда ҳоҳлаганча фойдалнилмоқда. Натижада суғоришининг тартибсизлиги сабабли сизот сувларининг босими ортиб бормоқда. Мақсадли бўлар эди муаммолар келтирувчи омилнинг олдини олиш учун истемолчиларга сув ўлчагичларни жорий этилса.
- ❖ шўр ювиш ишларини қоидалар асосида амалга ошириб, сарфланаётган сувдан самарали фойдаланиш лозимдир.
- ❖ шўрланишни иккиламчи шўрланишгacha олиб бормай, ўзлаштирилаётган ва тадбиркорлик (балиқчилик) учун ажратилган ерларга ичимлик сувидан фойдаланиш лозим.
- ❖ Мингбулоқ туманининг шарқий чегарасида зовур ва колекторлар сонини кўпайтириш, чуқурроқ чопиш ва насос ўрнатиш бу майдоннинг ғарбий томонига бўлган ер ости сизот сувлари динамикасига тўсқинлик қилишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Нурматов Мирғолиб Мирзаевич. Сафаров Жахонгир И smoилович. Қишлоқ тараққиёти: бугуни ва келажак истиқболлари. Ўқув қўлланма. Тошкент - 2009
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 17.06.2019 йилдаги ПФ-5742-сон
3. Умурзақова Умида Носиржановна. Диссертация. Наманган-2021.
4. Наманган вилояти мелиорация бошқармаси. 2020.
5. Наманган вилоят Гидрогоеология маълумотлари
6. <https://agronet.uz/shor-yuvish.uz>